

Матбуот баёноти

Ўзбекистондаги Мирзиёев режими Ҳизб ут-Таҳрир йигитларини таъқиб этиш ҳамда Исломга душманлик қилишда ҳалок бўлган Каримовнинг "анъаналари"ни қайта тирилтирмоқда

Ўзбекистон хавфсизлик хизмати Ҳизб ут-Таҳрирнинг 23 нафар аъзосини яна қайтадан ҳибсга олди. Жорий йилнинг 9 майида бўлиб ўтган суд жараёни ҳалок бўлган Каримов давридаги у туфайли судланиб, 1999-2000 йилдан буён қариб 20 йил умрини қамоқ-қийноқда ўтказган айнан ўша олдинги айбловлар буйича кечди. Ҳолбуки Мирзиёев бундан бир неча йил олдин ўзини ҳибсга олинганларга нисбатан қийноқ-зўравонликларга қарши эканини, фикр-эътиқод эркинлигини мустаҳкамлаш, ўзбошимчалик билан қамоққа олишларга қарши курашиш йўлидан бораётганини даъво қилганди. Бироқ, унинг раҳбарлиги остидаги Ўзбекистон режимининг сўнгги хатти-ҳаракатлари Исломга ҳамда унга чорловчи ҳар қандай кимсага қарши душманлик қилишда унинг ҳалок бўлган Каримовнинг изидан оёқ босаётганини кўрсатмоқда. Жумладан Ҳизб ут-Таҳрир йигитларини таъқиб қилишда ҳам ўзидан олдинги жинойткор ўтмишдоши Каримов қўллаган шафқатсиз зулм-зўравонлик услубларидан фойдаланмоқда.

Ушбу йигитлар ўзбошимчалик билан ваҳший ва шафқатсиз тарзда ҳибсга олинди. Уларга нисбатан қаттиқ қийноқлар қўлланилиб, улар ўзларига ёпиштирилган тўхматларни бўйнига олишга мажбурланди. Уларнинг бошларига қоп кийгизилиб, уларга қаттиқ босим ўтказилди. Ушбу йигитлар олдиндан тайёрланган иқдорномани имзолашга турли таҳдидлар билан мажбурланди. Йигитлардан бирига унинг турмуш ўртоғини ички ишлар бўлимига олиб келиб, уни зўрлаш билан таҳдид қилишди. Бошқа бир йигитга чет элда таҳсил оладиган ўғлини элчихона орқали Ўзбекистонга қайтариб олиб келиш билан таҳдид қилишди. Яна бошқаси йигитга эса унинг ўғлини иқдорномага имзо чекишга мажбурлаш учун ички ишлар бўлимига олиб келиш билан таҳдид қилишди. Бошқа бир йигит эса электр токи билан қийноққа солинди. Шунингдек, Тошкент, Андижон, Қўқон, Қарши ва Самарқанд вилоятларида бошқа 16та йигит зўравонлик ва терроризмда айбланиб қайтадан ҳибсга олиниб, Тошкентга олиб кетилди ҳамда улар устидан тергов бошланди!

Дарҳақиқат, Ҳизб ут-Таҳрир йигитларига нисбатан терроризм ва зўравонлик айби қўйилишининг тўхмат ва ёлғон экани ҳаммага кундек равшан. Зеро Ҳизб ут-Таҳрир ва унинг йигитлари ҳаргиз зўравонлик ва терроризмга қўл урмайди. Ҳизб бундан олдин 1953 йилда таъсис топганидан буён ҳам бу ишга ҳаргиз қўл урмаган. Бироқ, ҳизб режимлардан кўрққани ёки золим-репрессив режимларга ёқиш учун бундай йўл тутмайди, балки исломий ҳаётни қайтадан бошлаш учун ўз тариқати билан Аллоҳга ибодат қилгани туфайлигина ушбу йўлни тутди. Бу айнан ўша

Расулulloҳ ﷺ тутган фикрий-сиёсий йўл-тариқатдир. Шунинг учун, мусулмонлар ўлкаларидаги, ҳатто ғарбдаги барча золим-зўравон режимлар қайта-қайта уринишларига қарамасдан Ҳизб ут-Таҳрир ва унинг йигитларига нисбатан терроризм ё зўравонлик тўхматини исботлай олишмади. Бироқ, чинояткор ҳукмдорларнинг қалбларидан тўлиб-тошиб чиқаётган нафрат ҳамда Исломнинг бўлажак лойиҳаси бўлмиш пайғамбарлик минҳожи остидаги Иккинчи Рошид Халифалик лойиҳасини кўтариб чиқувчилардан ўч олиш истаги уларни ўз кўз-қулоқларини инкор этишга ундамоқда. Мусулмонлар ҳукмдорлари эса иш Ҳизб ут-Таҳрир йигитларидан бўлган даъватчиларга келиб тақалганда мустамликачилик етакчилари бўлмиш Америка, Британия, Россия, Франция ва Германиядаги хўжайинлари раҳбарлигида Ислом лойиҳасига қарши курашиб, ҳатто ўзлари мақтаб, дунё бозорига олиб чиқадиган эркинликлар, демократия, инсон ҳуқуқлари каби қонун-мабдаъларини ҳам оёқ ости қилмоқда.

Мирзиёевнинг ҳалок бўлган Каримовнинг изидан зулм, қамоқ ва қийноқлар билан ёндашувга қайтиши Россия ва Америкадаги мустамликачилик етакчилари истаклари ва сиёсатларини йўлга қўяётганини кўрсатади. Биздаги ҳукмдорлар ўз одатлари буйича бирор қарор қилишга қодир бўлмай, мустамликачининг малайларидан бошқа нарсаси эмас.

Биз – Ҳизб ут-Таҳрир аъзолари, Мирзиёев режимини Каримов режими Исломга ва унинг даъватчиларига қарши қўллаган зулм-ваҳшийлик сиёсатига қайтишдан огоҳлантирамиз. Зеро бу жинояткор кимсалар йўли бўлиб, ҳаргиз унга бирор фойда келтирмайди, балки умматнинг унга бўлган ғазабини ошириб, унинг заволга юз тутишини тезлаштиради, холос. Ислом уммати мустамликачиликдан озод бўлиб, ўз Роббисининг шариатига қонун, дустур ва ҳаёт сифатида қайтадиган кунни умид ва интиқлик билан кутмоқда. Уммат бугун ўз ғоя ва умидини рўёбга чиқаришга ҳар вақтдагидан кўра яқинроқдир. Мирзиёев йигитларимизни зудлик билан ҳеч бир кечиктирувсиз озод қилиши зарур бўлиб, даъватни кўтариб чиқувчиларни таъқиб қилишдан ва Ислом лойиҳасига душманлик-қаршилиқ кўрсатишдан тийилиши ҳамда ўзидан олдингидан ибрат олиши лозимдир. Оқибат тақводор кишиларникидир. Барча куфр миллати йиғилиб бирлашган тақдирда ҳам, барибир Аллоҳ Ўз динини ғолиб қилгувчидир, гарчи бироз сўнг бўлса-да. Аллоҳ таоло шундай дейди:

﴿كَتَبَ اللَّهُ لَأَغْلِبَنَّ أَنَا وَرُسُلِي إِنَّ اللَّهَ قَوِيٌّ عَزِيزٌ﴾

"Аллоҳ: "Мен ва Менинг Расулларим ғалаба қиламиз", деб ҳукм қилган. Албатта, Аллоҳ қувватли ва ғолибдир" [Мужодала, 21]

**Ҳизб ут-Таҳрирнинг марказий
матбуот бўлими**

